

ХОТИРА - МУҚАДДАС УСТОЗЛАР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

19-мактабда собиқ устозлар Йўлдош Абдуллаев ва Эрка Искандаровлар хотирасига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Йўлдош Абдуллаев таълим соҳасида 1968 йилларда иш фаолиятини бошлаб, 1987 йилда 19-мактабни барпо қилинишида ўз ҳиссаларини қўшиб, мактабнинг биринчи раҳбари бўлиб иш фаолиятини давом қилдирган. Ўз иш фаолияти давомида халқ маорифи аълоисига бўлган. Ҳозирги кунда Йўлдош Абдуллаевнинг фарзандлари Холбек Абдуллаев ва укаси Озод Абдуллаев издоши бўлиб келмоқдалар.

Эрка Искандаров 1941 йилда туғилган. Оилада 8 фарзандлар. Уларнинг оталари Искандар Исақов 1943 йилда урушга жўнайдди. 1945 йилларнинг охирида ярадор бўлиб қайтиб келади. Искандар ака фарзандларининг олий маълумотли бўлиб камол топиши учун ҳаракат қилади. Эрка

Искандаров ҳам педагогика соҳасида таълим олади ва 19-мактабда жисмоний тарбиядан болаларга кўп йиллар давомида сабоқ берган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ҳам хизмат қилган. Кейинчалик 1986 йиллардан бошлаб туман халқ таълими бўлимида методист бўлиб ишлаган, сўнгра эса 19-мактабда директор ўринбосари лавозимида ҳам иш фаолиятини давом қилдирган. Турмуш ўртоқлари Зеваржон Тожибоева бошланғич таълимдан болаларга сабоқ берган. Оилада учта фарзанднинг меҳрибон ота-оналари, фарзандларининг ҳам олий маълумотли педагоглар бўлиб етишишида ўз ғайратини аяшмайди. Шунинг учундирки, уларнинг фарзандлари бугун 19-мактабда педагог бўлиб ишлаб, ота касбини давом қилдирмоқдалар.

Ушбу хотира кечасида сўзга чиққан дўстлари Матқурбон Матёқубов, Жуманазар Курбонбоев, шоғирди Ибодулла Солаев, укаси Баҳодир Искандаровлар устозлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Ш. СУЛТОНОВА.

ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Зарарли одатлар деганда биз одатда фақат алкоғолли ичимликларни меъёридан ортиқ ошириб, муттасил истеъмол қилиш, тамаки ва носвой чекиш, гиёҳвандлик кабиларни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Аслида зарарли одатлар тушунчаси бирмунча кенг бўлиб, ўз доирасига овқатланиш тартибига риоя қилмаслик, организм эҳтиёжига қараганда кўпроқ овқат ейишга ўрганиб қолганмиз. Дангасалик ва ишқамаслик, баджаҳллик, ахлоқсизлик, уст-бош, ҳовли ва уй хоналари инфлослигига кўникиб яшаш, ўз ҳаётини жамиятда қабул қилинган меъёр ва ўлчамлар асосида ташкил қила билмасдан, пала-партиш ўтказиш ва ҳеч бир мақсадсиз яшаш, маданиятсизлиги ва жоҳиллиги туфайли вегетатив турмуш тарзида яшаш билан чегараланиб қолиш каби одатларни ҳам олади.

**ТАМАКИ ЧЕКИШ ВА УНИНГ
ЗАРАРИ**
Чекувчилик чекувчи учун ҳам, атрофдаги чекмовчилар учун ҳам катта зарар келтиради. Чекиш билан жуда кўп касалликлар узвий боғланган бўлиб, инсонларни барвақт ва тасодифан ўлмага олиб келадиган, уларнинг умрини ўртача 8-15 йилга қисқартиришга сабабчи бўладиган омилдир. Упка раки касаллиги қарийб 90 фоиз ҳолларда чекиш билан боғланган.

Чекувчилар ўртасида ўлим кўрсаткичи чекмовчиларга қараганда 70 фоиз кўп, кунига 20 дона сигарет чекувчиларда эса 2 баробар ортиқ эканлиги, чекувчилар чекмовчиларга нисбатан 6-10 йил кам яшаётганлиги ҳисоблаб чиқилган. Оддий чекувчи ҳар битта чеккан сигаретаси билан ўз умрини 6 минутга қисқартиради. Чекиш ўпка, трахея ва бронхлардаги ўсма-шишлар, лабдаги ўсма шишлар, қизилўнғачдаги ўсмалар, оғиз бўшлиғи ва ҳалқумдаги ўсмалар, ҳиқилдоқ ўсмалари, ўпка эмфиземаси ва обструктив касалликлар, юракнинг ишемик касалликлари каби оғир

хасталикларнинг келиб чиқишида асосий рол ўйнайди.

Агар соғлом одамнинг юраги минутига 72-80 марта қисқарса, 3-4 дона сигарет чекилган пулс тезлашиб, минутига 100-120 гача етади ёки бошқача айтганда тамаки юракни тез ишлагача мажбур қилади, юрак ҳар минутга 15-18 марта кўп қисқаради. Агар чекмайдиган киши юраги суткада 100 минг марта қисқариб 6 тонна қонни ҳайдаса, чекувчи одам юраги суткасига 10-15 минг марта кўп қисқариб, никотиннинг қон томирларга торайтирувчи таъсири оқибатида 2-3 тонна кам қон ҳайдайди. Муттасил равишда чекиш инсоннинг ақлий фаолиятини пасайтиради.

АЛКОГОЛЛОЗМ - ИЖТИМОИЙ МУАММО

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра ичкиликбозликка ружу қўйганлар қаторига ҳар кун 150 мл ҳажмдаги тоза спирт истеъмол қилувчилар кирради. Бу тахминан 375 мл ароқ ёки вино, 3 литр пивога баробардир.

Алкоголизм - бу касаллик бўлиб, унда беморларда спиртли ичимликка нисбатан ўзини бошқара олмайдиган ҳаста интилиш пайдо бўлади. Бемор киши организмда руҳий ва соматик бузилишлар кузатилади. Дастлаб бу ўзгартирилган қайтариш имконияти бўлса, кейинчалик қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар пайдо бўлади. Вояга етмаган эркак кишиларда бундай ҳолат ичишга ружу қўйгандан 3 йилдан то 10 йилгача бўлган муддатларда ва ёшларда 3 йилгача бўлган муддатларда шаклланади.

Алкогол наслга кучли таъсир қилади. Бундай оилаларда туғилган болаларда ақлий занфлик, турли хил ирсий нуқсонлар кузатилади. Беморларни даволаш мутахассис врачлар-наркологлар томонидан олиб борилсагина самара беради.

М. АДАМБОВЕВ,

туман саломатлик маркази

мудир.

Д. БОТИРОВА,

ҳамшира.

Қатоғон қурбонлари

00447-СОНЛИ БУЙРУҚ

Яқинда вилоятимизда ташкил қилинган "Қатоғон қурбонлари" музейида бўлдим. Ундаги ҳар бир экспонат, суратлар, китоблар менда жуда катта таассурот қолдирди. Музейини кўриш жараёнида менда туманимизда ҳам шундай қатоғон қурбонлари бўлган кишилар кўп бўлса керак, деган фикр туғилди. Уйга келгач туманимизда яшовчи тарих билимдони, фахрий журналист, кўплаб тарихий китоблар муаллифи Оллаберган Ёқубов билан учрашишга аҳд қилдим. У киши менга кўплаб маслаҳатлар бериб, бу мавзуда ўқишим керак бўлган адабиётлар билан таништирди.

Ўрганиш жараёнида шуни билдимки, ВКП (б) сиёсий бюроси томонидан 1937 йил 21 июнда "Советларга қарши ёт унсурларга қарши кураш тўғрисида"ги қарори чиққан экан. Ана шу қарор асосида собиқ иттифоқ ички ишлар халқ комиссарлигининг 00-447-сонли буйруғи чиқди. Унга кўра 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябр ойи ўрталарига қадар махсус ташкил этилган "Учлик"лар жамиятдаги шўро давлатидан норози ёки ўтмишда бой, диндор бўлганларни аниқлаб, уларнинг фаолиятини текшириб, кўпчилигини "халқ душмани", "қулоқ", "босмачи", "ёт унсур" деб умумий номда "халқ душмани" деб қамоққа олади, кўпчилигини отишга, меҳнат тузатиш лагерларига ҳукм қилади.

Бу машғум террор 1937-1938 йиллар қизгин давом қилади. Шу вақт ичида бутун собиқ иттифокда 1,5 млн.дан зиёд киши қамоққа олинади ва 700 мингдан зиёди отиб ташланади. Ўзбекистонда эса шу даврда 10700 киши қамоққа олинди, уларнинг 3612 нафари отилган. Тарихчилар Р. Шамсидинов, У. Бекмуҳаммаднинг 2010 йил "Янги аср авлоди" нашриётида чиққан китобида ана шулар ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Ўша вақтларни "дабсан" йили деб аташган. "Дабсан" хоразмча шевада "сен фалончи деб айтибсин" деган маънони билдиради. Турли хил чақувлар, асоссиз айблар билан минглаб кишилар "учлик"нинг қарори билан 5 дақиқа ичида отувга ҳукм қилиб юбораверилган.

Албатта, ўлкамиз тарихининг ҳали ўрганилмаган томонлари кўп. Уларга аниқлик киритиш тарихчиларнинг, ижодкорларнинг ҳам бурчидир.

Х. ШОМУРАТОВ,
ижодкор.

Ижод дафтарида МУҲАММАД ЮСУФ

Ёлғонларга отилган тош,
Халқнинг эса кўзида ёш.
Аллоҳдан ўзимга сўрайман бардош,
Халқ соғинди, Муҳаммад Юсуф.
Шеърларингиз севиб ўқирман,
Илҳом олиб шеърлар туқирман.
Оддийгина ман бир фақирман,
Халқ соғинди, Муҳаммад Юсуф.

Келмайсизми халқни кўргани,
Боғлар аро гуллар тергани.
Ва мен билан йўллар юргани,
Халқ соғинди, Муҳаммад Юсуф.
Қалбим ўртар ушбу соғинч,
Шеърларингиз менга бир овунч.
Жаннатдан олиб келинг бир ҳовуч,
Халқ соғинди, Муҳаммад Юсуф.

Дуо қилинг жаннатлардан,
Мен Расулдўлоҳ умматларидан.
Асрасин Аллоҳ офатлардан,
Халқ соғинди, Муҳаммад Юсуф.

Айтилмай қолган ичимда гаплар,
Эссиз гапирмас эски суратлар.
Кезиб юрар элимда дардлар,
Халқ соғинди, Муҳаммад Юсуф.

Келиб халқнинг дардини олинг,
Халқ кўнглига меҳрлар солинг.
Ва мен билан ёнимда қолинг,
Халқ соғинди, Муҳаммад Юсуф.

Санжар ҲУРОЗБОВЕВ, 14-макктаб ўқувчиси.

Э Ё Л О Н

Одамова Матлуба Уразбоевага 2004 йилда 7-мактабнинг 9-синфини тутатганлик тўғрисида берилган № 0655600 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЯНГИБОЗОР КЎЗГУСИ

МУАССИС: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Газета 1953 йил июл ойидан чиқа бошлаган * E-mail: yangibozkuzgusi@inbox.uz. * 2021 йил 22 май, шанба * № 11 (1565)

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Туман кенгашининг қирқ тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда туманда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммолари ҳал бўлганларини рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шунингдек, сессияда туман ҳокимининг 2021 йил 27 мартдаги 45-ф-сонли фармойишига асосан тумандаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу юзидан туман кенгаши депутати С. Эгамовнинг ахбороти тингланди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

"BILLUR" текстил ишлаб чиқариш

кооперацияси фаолияти йўлга қўйилди

«Биллур» текстил тикувчилик цехининг раҳбари Шарофат Ражабова билан бугунги иш фаолияти тўғрисида суҳбатлашар эканмиз, у текстил ишлаб чиқариш кооперацияси фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Корхона учта филиалга эга бўлиб, умумий ишчилар сони 120 нафардан иборат. Шарт-шароитлари яхши, ишчилар учун автобуслар қўйилган, бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

Текстил ишлаб чиқариш кооперацияси ишчилари фарзандлари учун "Шарқ гавҳари" хусусий мактабгача таълим ташкилотига фаолият кўрсатмоқда. Боғча 75 нафар болага мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда болалар учун боғчада барча шароитлар етарли.

Текстил ишлаб чиқариш кооперацияси ишчиси, «Ҳайват» маҳалласида яшовчи Маҳфират Аҳмедова ўз иш фаолияти ҳақида бизга шундай деди:

«Мен бу ерда тикиш ва бичишга ўргатувчи мастер бўлиб ишлайман, шароитларимиз яхши, ўз вақтида зарур бўлган материаллар етказиб берилмоқда. Коллективимиз аҳил, кунига 400 дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Асосан кўрпа-ёстиқлар, пайпоқ, трикотаж маҳсулотлари, эркак ва аёллар, болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Пайпоқлар учун махсус иплар, махсус машиналарда тайёрланмоқда. Кийиниш-ювиниш хонаси, ошхонада шароитлар етарли. Ишчиларнинг кайфиятини кўтариш учун ҳар кун эрталаб 10 дақиқа бадантарбия машқлари ҳам қилинади.

Текстил ишлаб чиқариш кооперацияси раҳбари Ш. Ражабова Ўзбекистон бўйлаб шартнома асосида маҳсулот тайёрлаб беришга тайёрмиз, дейди. Катта станоклардан 7 донаси, 80 дан ортиқ тикув машиналари ишлаб турибди. Ушбу хусусий текстил ишлаб чиқариш кооперацияси ва МТТ фаолиятини йўлга қўйиш учун 5 млрд. сўм пул маблағи сарфланган. Туманимизнинг иқтисодий юксалиши, фуқароларнинг кайфияти иш билан таъминланишида корхона катта рол ўйнайди.

Ш. СУЛТОНОВА.

"Вилоят прокурорининг ўринбосари Х. Э. Явбаров томонидан туман Халқ қабулхонаси ва сектор раҳбарлари билан

Туман янгиликлари

ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ



биргаликда 2021 йил учун тасдиқланган

"Ёшлар билан учрашув ва қабуллар" графигига асосан учрашув ўтказилди.

Учрашувда 7 нафар ёшларнинг мурожаатлари тингланиб, уларнинг 4 таси жойида ҳал қилинди. 3 нафар ёшларнинг мурожаатлари юзасидан аризалар олинди.

Жумладан, «Тозадўрман» маҳалласида яшовчи фуқаро С. Раҳимовнинг тикувчилик дастгоҳларини сотиб олиш учун имтиёзли 30 млн. сўм кредит маблағлари ажратилишида ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳамда «Барҳаёт» маҳалласида яшовчи С. Аллабергановнинг этикчилик билан шуғулланиш учун дастгоҳ сотиб олиб бериш ҳақидаги мурожаатлари жойида ижобий ҳал қилиниши таъминланди.

УРУҒЧИЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Тумандаги "Хоразм фахри" фермер хўжалигида уруғлик галла майдонларини апробация қилиш кўригига тайёрлаш ва галла апробациясини ўтказиш бўйича кўргазмали семинар ташкил қилинди. Семинарда вилоят ҳокимлиги котибият мудир Дарёёй Канпов, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Учқун Дўсчанов, туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек уруғчилик

фермер хўжалиги раҳбарлари иштирок қилдилар.

Семинарда ҳосилдорликни ошириш мақсадида уруғлик ва навларни янгилаш, шунингдек, галла етиштирувчи уруғчилик фермер хўжаликларини сифатли, юқори авлодли уруғлик билан таъминлаш мақсадида уруғлик галла етиштириш учун экилган майдонларда дала апробацияси кўригидан ўтказиш тартиби таништирилди.

«ЖУМА» ЖОМЕ МАСЖИДИ БИНОСИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ҚИЛМОҚДА

«Жума» жоме масжидида фундамент ишлари тўлиқ якунланиб, гишт териш ишлари бошланди.

Туман ҳокими Ўктам Қурбанов, вилоят бош имом-хатиби Хайрулла Абдуллаев ва бошқа мутасаддилар, масжид жамоати иштирокида хайрли дуо, эзгу ниятлар билан табарруқона биринчи гишт қўйилди. Масжид тез орада қад кўтариб, ҳудуд аҳолисининг диний-маърифий билимлари, ахлоқи, ибодатлари учун мунаввар маскан бўлиб хизмат қилишини тилади.

Мазкур масжид туман марказининг Жалололдин Мангуберди кўчасида жойлашган бўлиб, туман аҳлининг ибодатларини адо этиб олишлари учун қулай нуқта ҳисобланади.

0,34 га майдонда қурилаётган янги масжид 800 кишини сиғдира оладиган катта хонақоҳ, таҳоратхона, аёллар учун



намозхона, маънавият зали, мутавалли хонаси, қўшимча маъмурий хоналардан иборат бўлиши режалаштирилган.

Янгибозор туман ҳокимлиги матбуот хизмати.

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТАДИ

Туман сайлов комиссиясининг қарорига кўра тумандаги 3 та сайлов округларида туман кенгаши депутатлигига бўшаб қолган ўринларга сайловлар бўлиб ўтади. Комиссия 2021

йил 23 май куни сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. 6-Огахий, 24-Қиёт, 27-Улуғбек сайлов округларида туман кенгаши депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади.

<p>MUASSIS: YANGIBOZOR TUMAN HOKIMLIGI</p>	<p>MUHARRIR: O'razmat YAXSHIMURODOV.</p>	<p>M A N Z I L I M I Z : 221200, Xorazm viloyati, Yangibozor shaharchasi,</p>	<p>Gazeta tahririyat kompyute- rida terildi va operator Nurullo YAXSHIMURATOV tomonidan sahifalandi.</p>	<p>Газета «Тезкор матбаа» МЧЖда офсет усулдада 790 нускада чоп этилади. Босма хона манзили: Урганч шаҳри, Амир Темури кўчаси, 145-уй. Тел:229-35-55</p>
<p>Gazeta 2011 yil 7 sentabrda 13-007 raqami bilan davlat ro'yxatiga olingan. Qog'oz bichimi: A-3. Hajmi-1 bosma qog'oz.</p>	<p>Nashr ko'rsatkichi - 505</p>	<p>ISSN 2010-7684</p>	<p>Buyurtma: 834.</p>	<p>BOSISHGA TOPSHIRISH VAQTI-10-00 BOSISHGA TOPSHIRILDI-10-00</p>
<p>WWW. YANGIBOZORKUZGUSI.UZ</p>			<p>Sotuvda erkin narxda.</p>	

пандемик вазиятдан имкон қадар талафотларсиз чиқишга муваффақ бўлди. Ушбу мамлакатларда

"COVID - 19"

ЎЗИНИ АСРАГАННИ - ЯРАТГАН ҲАМ АСРАЙДИ

Инсонларнинг соғлом, тана аъзолари бут яратилгани ҳам Парвардигорнинг уларга ато этган неъматларидандир. Ҳар бир инсонга саломатликдан кўра муҳим, соғлиқдан кўра кўпроқ эътибор бериладиган нарсанинг ўзи йўқ. Булар бежизга эмас. Ҳаёт ширин, саломат умргузаронлик қилиш ундан ҳам ширин. Бахтли-саодатли турмуш кечириш учун эса инсонга аввало соғлик керак. Зеро, тананинг соғлом бўлиши ва уни турли касалликлардан сақлаш ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланади. Ҳозирги кунда қанчалки дори-дармонлар кўлаймасин, тиббий муассаса сфати, шифокорлар савияси, тиббий техника яхшиланмасин, агар инсоннинг ўзи ўз саломатлиги ҳақида қайғурмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. 2019 йил декабр ойида Хитойнинг Хубей провинсияси Ухан шаҳрида "уйғонган" коронавирус хасталиги қисқа вақт ичида ер юзининг деярли барча давлатларини "забт этди". Очиги, ўша вақтларда кимдир "COVID - 19" инфекциясига 3 млн. нафар одам чалинади, деса уни руҳий носозломга чиқаришлари аниқ эди. Тўғри-да, касалликнинг бундай нуфусни зарарлаши ва шунча одам орасида тарқалиши осон эмас, ахир. Бугунга келиб эса ер юзининг 218 та давлатида 140 млн. нафардан ортиқ одам коронавирус хасталигига чалинди, 3 млн. нафардан зиёд инсон вафот этди. Дунёнинг барча қитъаларида, хатто, Антарктидада ҳам "COVID - 19" инфекцияси билан боғлиқ ҳолат қайд этилди. Айниқса, 2020 йил ёз ва куз ойлари мамлакатимизда касаллик энг авж нуқтасига етган пайтда юртдошларимиз ўзларининг фуқаролик позициясини чуқур англаб, республика махус комиссияси томонидан айтилган барча қоидаларга қатъий амал қилди. Бу билан эса ўзларини касалликдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда ақинларини ҳам ушбу хавфли инфекциядан асради. Натижада юртимизда "COVID- 19" нинг одамдан-одамга юқиши олдини олиш борасидаги ҳолат ижобий томонга ўзгариб, эпидемик вазият барқарорлашди.

Жумладан, 2020 йил охири ва 2021 йил бошларида мамлакатимизда коронавирус билан касалланиш ҳолати анчайин яхшиланиб, кунига 25-30 нафар бемор қайд этилаётган эди, холос. Мамлакатимиз бўйлаб касалланиш, ўлим кўрсаткичи ва оғир аҳволдаги беморларга оид статистик маълумотларнинг охирги 1 ярим ойини тахлил қилсак, 25 февралдан бугунга қадар хасталик 10 баробарга ошганини кўриш мумкин. Ваҳоланки, жорий йил 25 февралда юртимизда коронавирус билан касалланган 31 нафар бемор аниқланиб, 153 нафар бемор оғир, 28 нафари ўта оғир аҳволда. Афсуски, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аникрофи, 15 апрелга келиб, бу рақамлар биров хавотирли тус ола бошлади. Ўрни, шу кунни юртимизда 292 нафар янги бемор аниқланди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, юртимизда "COVID - 19" хасталиги билан боғлиқ вазият анчайин барқарорлашган бир ҳолатда нега бу ижобий тенденцияни ушлаб қола олмадик? Бунга сабаб нима?

Албатта, бунинг бир нечта сабаби бор. Энг аввало, шунга айтиш керакки, сўнги вақтларда ақсарият юртдошларимиз "бўлди, касаллик тугади", деган ўй билан карантин қоидаларига мутлақо риоя қилмай қўйди. Соҳа мутахассислари бот-бот таъкидлаётган - ниқоб тақиш, оммавий тадбирларда иштирок этмаслик, масофа сақлаш, қўлларни тез-тез антисептик воситалар билан тозалаш каби оддий қоидалар унутилди. Масъулиятни ҳис қилмаган ҳолда кўча-куйда, жамоат жойларида ҳаракатлини одатга айланди. Ёпиқ ҳудудларда, одамлар кўп тўпланадиган жойларда карантин қоидаларига риоя қилиш қўпол равишда бузилди. Айримларда эса "касал бўлсам, шифокор даволайди", деган нотўғри тушунча шаклланиб қолди. Ваҳоланки, коронавирусни даволашда шифокорнинг ўрни 10 фоизни ташкил этади холос. Шу билан бирга, юртимизда касалликнинг "британча" штамми аниқланган ва ушбу тур тез суръатларда тарқалиш хусусиятига эга экани вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Мута-хассисларнинг маълумотларига кўра, хозирга қадар "COVID- 19" бутун дунёда 5 минг мартадан ортиқ мутацияга учрагани аниқланди. Энг ачинарлиси, коронавирус вазиятдан келиб чиқиб, янча қолиш учун ўз ҳолатини ўзгартираётган бир пайтда одамларнинг карантин қоидаларига бўлган муносабати мутлақо ўзгармаётгани кишини хавотирга солади. Кези келганда яна бир мулоҳаза. Маълумки, коронавирус илк бор аниқланган Хитой, шунингдек, Жанубий Корейя, Япония, Малайзия каби бир қанча давлатлар

касалланиш статистикасига эътибор берсак, вазият анчайин барқарор эканини кўриш мумкин. Хўш, улар бундай натижага қандай эришти? Ниманинг ҳисобига ушбу давлатларда эпидемик барқарор вазият кузатилмақда? Ваҳоланки, бугун Хитойда 1 миллиард 400 миллиондан зиёд, Японияда 125 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аввало, шунга айтиш лозимки, ақсарият ҳудудларида касаллик кам миқдорда аниқланган пайтларда ҳам беморлар тўлиқ изоляцияга олинди. Кўча-куйда ҳар бир фуқаро ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш, ҳароратни ўлчаш каби карантин қоидаларига қатъий риоя қилинди. Бу биров жўн кўрингани билан асосли сабаб, албатта. Шунингдек, жамоат транспортлари, савдо дўконлари, офислар, таълим муассасаларида одамлар ҳеч бир истисноси ўрнатилган тартибларга бўйсунди. Хатто, энг яқин савдо дўқонига борган фуқаронинг ҳам бинога киришдан аввал тана ҳарорати ўлчаниб, қўллар антисептик воситалар билан зарарсизлантирилди. Бир сўз билан айтганда, аҳоли ҳукумат томонидан киритилган барча карантин чекловларига амал қилди. Ҳеч ким вазият ёмонлашишини кутмади. Яъни ҳамма фуқаролик масъулиятини ҳис этди, пандемия шароитида яшашни ўрганди. Аслида бу касалликни енгиб чиқишда энг қулай усул хасталикни одамдан-одамга ўтишини тўхтатишдир. Бўлмаса "COVID - 19"нинг тарқалиши кундан-кунга авж олиб, унинг янги штаммлари пайдо бўлишига сабаб бўлади ва коронавируснинг тарқалишини жиловлашда қийинчиликлар туғдиради. Ёки бўлмаса, маълум бир ҳудудда яшайдиган 60-70 фоиз аҳолининг иммунитетини шакллантириш орқали ҳам эпидемик вазият барқарорлашиши мумкин. Аммо бу йўл қанчалик хавотирли, саросимали эканига ўтган бир йил давомида барчамиз гувоҳ бўлдик. Афсуски, шу вақт оралиғида қанчадан-қанча инсонлар ўз ақинларини йўқотди. Шу боис, эмлаш орқали аҳолида коронавирусга қарши иммунитет шакллантириб олсак ва бу жараёнда тиббиётнинг фаоллиги, кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаб олсак, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Энг аввало, барча жамоат жойларида ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш, қўлларни антисептик воситалари билан зарарсизлантириш каби карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз зарур.

Ўрнатилган тартиб-қоидаларни менсимган фуқароларга нисбатан эса кескин чоралар кўриш лозим. Шу билан бирга зарурат бўлмаганда мамлакатимиз фуқароларининг чет мамлакатларга чиқмаслиги, четдан кириб келаётганлар ПЗР текшируви "манфий" эканини тасдиқловчи маълумотномани тақдим қилишлари керак. Қолаверса, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ташкилот, корхона, муассасаларда, савдо мажмуалари, кўнгли очар муассасалар кириш қисмида тана ҳароратини ўлчаш, қўлларни антисептик воситалар билан зарарсизлантириш амалиётини мунтазам олиб бориш, жамоат транспортларидан фойдаланаётганда карантин қоидаларига амал қилиш, қўлларни тез-тез антисептик воситалар билан тозалаш лозим. Шу билан бирга, турли хил шамоллаш аломатларида зудлик билан тиббиёт ходимига мурожаат этиш ва ўз вақтида шифокор назоратида даволаниш даркор. Аслида коронавирусга қарши энг яхши профилактика ҳим, вакцина ҳам соғлом турмуш тарзи ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилишдир. Буларга эътибор берадиган инсонга нафақат коронавирус балки бошқа касалликлар хавф солади ҳам бир неча баробарга камаяди. Бундай инсонлар касаллиқга чалинган тақдирда ҳам ундан тез халос бўладилар.

Инсон учун бебаҳо бойлик - бу соғлик-саломатликдир. Уни асраш эса ҳар биримизга омонат қилиб берилган. Шунинг учун ҳам инсон ўз соғлигини эҳтиёт қилиши муҳимдир. Доно халқимиз "Саломатлик - туман бойлик" деб бежиз айтмаган. Ақл-идрок соҳибн бўлган инсон ўз ҳаётини қадрлаши лозим бўлади.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, тана соғлом, руҳ тетик бўлса, ҳар қандай юмушни уддалаш ва муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Р. ШЕРЖАНОВ
Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутаты, Атросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси.

Ижтимоий муҳофаза

УРУШ ФАХРИЙЛАРИГА ФАМХЎРЛИК

9 май умумхалқ байрами - Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда кенг нишонланди. Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан байрам арафасида уруш қатнашчилари ва ноғиронлари моддий рағбатлантирилди. Улуғ ватан уруши йилларида фронт ортида филокорона меҳнат қилган 51 нафар фахрийларимизга байрам совғалари туман ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида топширилди.

Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги ПФ-6224-сонли Фармониغا асосан жорий йилнинг 10 май санасидан бошлаб 1941-1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда 2,5 миллион сўм этиб белгиланди.

Р. АВАЗОВ,
бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиги.

Халқ таълими

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ



24-мактабда умумий ўрта таълим муассасалари ўқув тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирокида семинар ташкил қилинди. Семинарда 24-мактабда ўқув тарбиявий ишлар фаолияти ва ҳужжатлаштириш ишлари намуна сифатида кўрсатиб берилди. Мактаб ўқувчилари иштирокида бадий чиқишлар ташкил қилинди.

Ташриф буюрган меҳмонлар ўқувчилар томонидан тайёрланган бадий чиқишларни томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқардилар ва шу билан биргаликда Низом ва талабалар асосида ҳужжатларнинг қандай тартибда тахланиши ва юритиб борилиши ҳақида етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Р. НУРУЛЛАЕВА,
туман халқ таълими бўлими методисти.

КОТИБИЯТ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

2021 йил январ ойидан халқ депутатлари Янгибозор туман кенгаши котибияти ўз фаолиятини бошлади. Маҳаллий даражада самарали фаолият юритувчи депутатлик корпусини шакллантириш ҳудудларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб, янги ташкил этилган котибият маҳаллий вакилик ҳокимияти органларининг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий исло-ҳотлардаги иштироки ва ролини мустаҳкамлашга, халқ депутатлари томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини ўрнатишга хизмат қилади. Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгаши котибияти ўз фаолиятида маҳаллий ижро қилувчи ҳокимият органлари ҳисоботини эшитида, фаолиятига танқидий-таҳлилий ёндашиб, олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш борасида, шунингдек доимий комиссиялар фаолиятини ривожлантириш, ўтказилган сессия кун тартибидаги масалаларни доимий комиссияларда кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратади.

Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорлиқни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан тумандаги эҳтиёжманд, "Темир дафтар"га киритилган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-сонли фармойишига асосан "Маҳалла хайрия жамоат фонди" туман бўлимаси ҳузурида ташкил этилган "Саховат ва кўмак" жамғармаси махсус ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ажратиш масалалари атрофлича ўрганиб чиқилиб, Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашининг сессиясида муҳокама қилиниб, пул маблағлари ажратилмоқда.

Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашининг қонунийлиқни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан туман ички ишлар бўлимининг туманда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида олиб борилган ишлар юзасидан Урганч туманлараро судининг, Жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман судининг

Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш,

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширган ишлари юзасидан ахбороти тингланди.
Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашининг ижтимоий-маданий ривож-ланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6108-сонли Фармони ва "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4884-сонли Қарорининг бажарилиши ва туманда миллий рейтинг натижалари муҳокама қилинди. Бунда миллий рейтингда паст натижа кўрсатган мактаб директорларига чора чоралари қўлланилиб, юқори натижа кўрсатганларини рағбатлантириш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашининг sanoat, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси томонидан туманда аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг аҳоли ва коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги, туманда 2022 йил давлат дастурига киритилиши мўлжалланган ижтимоий соҳа объектлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Туманда амалга оширилаётган қурилиш ишлари ва уй-жойга муҳтож фуқароларнинг яшаш шароитини ўрганиш бўйича халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари ва жамоат фаолларидан иборат "Халқпарвар" комиссияси ташкил қилинди. Комиссия томонидан амалга оширилган ишлар туман кенгашининг sanoat, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссиясида муҳокама қилинмоқда.

А. МАТЯҚУБОВА,
халқ депутатлари туман кенгаши котибияти мудири.

ЯНГИБОЗОР КЎЗГУСИ

СУБСИДИЯ АЖРАТИБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига 2021 йил 4 ойи мобайнида жами 60 тадбиркорлардан 70 та масала бўйича 67 та мурожаатлар келиб тушди. Шударнинг 7 таси Call маркази орқали, 24 таси сектор раҳбарлари билан биргаликда ўтказилган сайёр қабуллар орқали келган, 36 таси бевосита туман қабулхонасида қабул қилинган мурожаатлар. Барча мурожаатлар тегишли ташкилотларга жўнатилиб, 70 таси ўз вақтида кўриб чиқилди, 53 таси қаноатлантирилди, 17 тасига тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасида қабул қилинган мурожаатлар. Барча мурожаатлар тегишли идора, ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган сайёр қабуллар ва учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармонларини ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот қилинмоқда.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида "Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган лазерли қўрилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сотиб олинган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоиз давлат бюджетидан қоплаб берилди", деб белгиланган. Шунга асосан "Бегиобод-Бўзқалъа" фермер хўжалиги раҳбарининг мурожаатига асосан фермер хўжалигига олиб келинган қишлоқ хўжалиги техникалари учун 54,9 млн. сўм субсидия ажратиб берилди.

Туманимиз тадбиркорларини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда тўсқинлик қилаётган сабаблар ва мавjud тизимли муаммоларни кўриб чиқишда ҳамжиҳатликда ишлаш учун ҳамкорликни таклиф қиламиз.

П. МАҲМУДОВ,
Янгибозор туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири.

САҲОВАТ ВА КЎМАК КЎРСАТИЛДИ

"Темир дафтар"га киритилган эҳтиёжманд фуқароларга "Саховат ва кўмак" хайрия ишлари давом қилмоқда. "Маҳалла" Хайрия жамоат фонди" ҳузурида ташкил этилган "Саховат ва кўмак" жамғармаси томонидан яқинда тумандаги 9 нафар "Темир дафтар"га киритилган фуқароларга ёрдам кўрсатилди. Уларнинг даволанишлари, ижара тўловлари учун ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 21,6 млн. сўмлик пул маблағлари берилди.

А. ВАФОЕВ,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди катта ҳисобчиси.

АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳолини рўйхатга олиш 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ўшанда аҳоли сони 3,9 млн. кишини ташкил этган. Аҳолини рўйхатга олиш охирги марта 1989 йилда ўтказилган ва аҳоли сони 19,7 млн. кишини ташкил этган. 2019 йилнинг 1 октябр ҳолатига жорий ҳисоб бўйича мамлакатимиз аҳолиси сони 33,7 млн. кишини ташкил этади.

Айтиш жоизки, аҳолини рўйхатга олиш бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги "фотосурати"ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қамровли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Аҳолини рўйхатга олишда аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби (кам сонли аҳолиси бор миллатлар), маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлар ҳақида маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"га амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида"ги ПФ-5308-

сон Фармони билан тасдиқланган давлат Дастурининг 38-бандида аҳолини рўйхатга олиш концепциясини тайёрлаш вазифаси белгиланди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида давлат статистика кўмитаси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда аҳолини рўйхатга олиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралда "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5655-сон Фармони қабул қилинди ва бу бўйича Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Европа статистиклари концепциясининг аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича асосий тамойиллари ва тавсияларидан асос сифатида фойдаланилди. Шу билан бирга, МДҲ, Оснё ва Европа мамлакатларининг ушбу соҳадаги тажрибаси, шунингдек аҳолини рўйхатга олиш бўйича Россия Федерацияси, Беларус, Украина, Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон, Тожикистон, Молдова, Литва, Латвия, Буюк Британия ва бошқа

давлатларнинг тажрибаси ўрганилди.

Қонун лойиҳаси 5 та боб ва 31 моддадан иборат бўлиб, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан кўриб чиқилмоқда. Қонун лойиҳасининг асосий мақсади - аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тамойилларини ва ташкилий услубларини аниқлаш, маълумотларни қайта ишлаш, умумлаштириш, унинг натижаларидан кенг фойдаланиш, аҳолини рўйхатга олиш субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ҳамда мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштиришни тизимли ташкил этиш ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш натижасида йиғилган маълумотлар давлатимизнинг яқин ва узоқ мудатли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, халқро кўрсаткичлар билан таққослаш ва турли рейтингларда республикамизнинг муносиб ўрнини кўрсатишга хизмат қилади.

Ш. ЭШИМОВА,
туман статистика бўлими етакчи мутахассиси.